

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**



**“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш,
сақлаш ва қайта ишлашда илғор агротехнологиялардан
самарали фойдаланиш, ирригация ва мелиорация
tizimlarini rivojlandirish: muammo va echimlar”
мавзусидаги илмий-амалий конференцияси**

маърузалар тўплами

2015 йил 16-17 апрель

**III
ЖИЛД**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ
ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ, САҚЛАШ ВА
ҚАЙТА ИШЛАШДА ИЛҒОР АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШ, ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТИЗИМЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР”**

МАВЗУСИДАГИ

Республика илмий-амалий анжумани

мақолалари

ТЎПЛАМИ

2015 йил 16-17 апрель

(2-том)

ТОШКЕНТ – 2015

ДОН ЭКИШ СЕЯЛКАЛАРИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

А. Вохобов, А. Ғуломов

Андижон қишлоқ хўжалиги институти

Қишлоқ хўжалик техникалари орасида бугунги кунда буғдой экишга мўлжалланган ҳар хил сеялкалар мавжуд. Ҳозиргача буғдой экувчи сеялкаларнинг жуда кўп хиллари яратилган. Жаҳон миқёсида буғдойни экиш технологияси жуда тараққий этиб бормоқда. Немис олимларининг берган маълумотига кўра, (Monsanto фирмасининг маълумоти) экиш технологиясини тараққий этиши билан ҳозирги вақтда сарф харажатлар гектарига 50-120 еврога камайган. Шу билан бирга ҳосилдорлик камайгани йўқ, ўғит ва ҳимоя воситаларига сарфланган маблағ ортмаган. Ёнилғи иқтисоди - 45% ни, вақт иқтисоди эса - 32% ни ташкил этган. Шу билан бирга тупрокни эрозияси 6 марта камайган.


Чет эл фирмалари кейинги 10 йилликда ўз моделларини тадбиқ этиб келмоқдалар, тўғридан-тўғри экувчи сеялкалар ишлаб чиқарувчи фирмалар сони ортиб бормоқда. SIMA – 2000 кўргазмасида Kuhn-huad фирмаси ўзининг сер. SD. номли сеялкасини намоиш этди. Бу сеялка ҳам механик ҳам пневматик экиш аппаратларидан ташкил топган бўлиб, вертикал шарнир билан бирлашган ташкил этувчи икки брусли рамадан иборат. Бундан ташқари Gaspsrdo (Италия) фирмаси Direkta, Vaderstad (Швеция-Франция) фирмаси Rapid super, Даниянинг Kongskilde фирмаси MS, Германиянинг Amazonen фирмаси DMC 601 Primera, Швециянинг «Терминатор» фирмалари ишлаб чиқарган (1-расм) бир нечта сеялкаларни мисол келтиришимиз мумкин.

Шундай қилиб буғдой экувчи сеялкалар конструкциясининг 1990-2013 - йиллардаги тараққий этиши билан қуйидаги ўзгаришлар содир бўлди:

- камров кенглигини 3-4 дан 10 м га ортди;
- одатдаги механик уруғ меъёрлагичлар марказлашган пневматик меъёрлагичларга ўзгартирилди;
- ишчи секцияларни камров кенглиги жуда кенг бўлганда ҳам сеялкани транспорт ҳолатига келтириш учун ихчам ҳолга келиш имконияти яратилди;
- АҚШ ҳамда Канада фирмалари томонидан уруғ меъёрлаш аппарати автоном ҳолатда бўлган кенг камровли сеялкаларни яратди.

Шуни таъкидлаш керакки, келтириб ўтилган чет эл фирмалари томонидан тайёрланган аксарият сеялкалар юқори ресурстежамкор, замонавий, ўша жойларнинг тупроқ шароити, экиш услуби, умуман олганда ўз минтақаси шароитига кўра буғдой етиштириш технологиясига асосланган. Асосан буғдой текис, очик майдонга экишга мўлжалланган. Ғўза қатор ораларига экишга мослашмаган.

Бундан ташқари умумий массада уруғни битталаб ажратиш олиш учун вакуум ва ортиқча босимдан фойдаланиладиган пневматик экиш аппаратлари билан жиҳозланган универсал сеялкалар ҳам мавжуд.




1-расм. Швецияда ишлаб чиқарилган «Терминатор» буғдой экиш комплексининг иш жараёни

Бундан ташқари дон экинлари, дуккакли экинлар, майса, сабзавот ва бошқа экинлар уруғларини текис майдонларга экишга мўлжалланган сеялкалар ҳам мавжуд (2-расм). Ушбу сеялкалар ёрдамида экилаётган уруғ турига қараб, экиш меъёрини 1,8 дан 400 кг/га гача ҳамда ҳар бир экинга белгиланган экиш чуқурлигига қараб ўзгартириш мумкин.

Ушбу сеялка тошлоқ ҳамда бегона ўтлар ва бошқа аралашмалар билан ифлосланган

далада ишлай олмайди. Тупроқ намлиги 20% дан ортаганда яхши натижаларга эришилди. Сеялка 1,4 ва 2,0 класс тракторларига агрегатланади. Иш шароитига боғлиқ ҳолда ишчи тезлиги - 9...12 км/соат га ўзгаради.




2-расм. СПУ-6 универсал пневматик сеялки

Мамлакатимиз шароитида очик майдонларга ҳамда ғўза қатор ораларига кузги буғдой экишда қўлланилиб келинаётган бир қатор сеялкалар ҳамда мосламалар: СЗ-3,6 типдаги сеялкалар авлоди, ДЕМ-3,6, ғўза қатор ораларига буғдой экишга мослаштирилган культиваторлар, УзМЭИ олимлари томонидан ғўзапояни майдалаб, далага сочиш билан бирга ортидан буғдой экиб кетувчи агрегат, ўғит сочиш агрегати НРУ-0,5 ва бошқа бир қатор сеялкалар қўлланилиб келинмоқда. Дон уруғини экувчи ва ўғитловчи СЗ-3,6 сеялки базасида ишлаб чиқарилган СЗ-3,6А дон-ўғит сеялки 3-расмда келтирилган. Ушбу сеялка ғалла экиш, шу билан бир вақтда минерал ўғит солиш учун қўлланилади. Бу сеялка ёрдамида асосий дон экинлари ва дуккакли экин уруғларини экиш мумкин. Қаторларга экилаётган уруғ билан бирга гранулаланган ўғит бир вақтда ташлаб кетилади.

Машинанинг қамров кенлиги 3,6 м, тортишга бўлган ишчи қаршилиги

3,5 кН/м, экичларни юриш чуқурлиги 4-8 см, уруғ ҳамда ўғит қутисининг ҳажми мос ҳолда ± 453 , ± 212 дм³ ни ташкил этади. Т- 40АМ, МТЗ- 80, МТЗ- 82 тракторлари билан агрегатланади.



3-расм. СЗ-3,6 сеялки базасида ишлаб чиқарилган СЗ-3,6А сеялки

СЗ-3,6 сеялки базасида бошқа модификациядаги сеялкалар (СЗУ-3,6, СЗТ-3,6, СЗП-3,6, СЗА-3,6 ва бошқа) ҳам яратилган. Бу сеялкалар ёрдамида ғўза қатор ораларига буғдой экиб бўлмайди. Лекин уларнинг айрим ишчи органларини: микдорлагич, ўтказгич ҳамда экичлари конструкцияларидан келиб чиқиб, улардан ғўза қатор ораларига буғдой экувчи қурилмани ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қишлоқ хўжалик машиналари. М.Шоумарова Тошкент. Ўқитувчи 2002 й
2. Қишлоқ хўжалик машиналари. М.Шоумарова Тошкент Мехнат 2000 й
3. Қишлоқ хўжалик машиналаридан дарс ишланмалари. О.Абдуқундузов Тошкент 1997
4. Қишлоқ хўжалик машиналари. Маматов Тошкент 2007 й.

МОЙЛИ ЭКИНЛАР УРУҒИНИ ТОЗАЛАШ МАШИНАСИ ЮҚОРИ ҒАЛВИРИНИНГ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

М.Р. Каримов¹, А.Ш. Абдулмиталипов²

ҚХМЭИ¹, ТошДАУ²

Кириш. Ҳозирги кунда юртимиз фермер хўжаликларида табиий-иқлим ва ер шароитидан келиб чиққан ҳолда турли хил мойли экинлар етиштирилмоқда. Бу мойли экинлардан кўпроқ экилаётгани махсар, кунгабоқар соя ва бошқалардир. Ушбу мойли экинлар ҳосили Кейс-2366, Доминатор-130, Нью-Холланд ТС-5060, Дон-1500Б, каби

Mamatqobilov Sh.N., Pattidinov X.F. Korxonalarda marketing tadqiqotlardan foydalanishni takomillashtirish.....	151
Gulyamov.S.S ,Mamatqobilov Sh.N., Pattidinov X.F. Organizing marketing activity in farms.....	153
Mamatqobilov Sh.N., Pattidinov X.F. Respublika dehqon xo'jaliklarida marketing faoliyatining samaradorligi.....	154
Холмухамедова З. Бандлик муаммоларини ҳал этишда тадбиркорлик ва маркетинг хизматларининг ўрни ва аҳамиятини ошириш.....	155
Рахмонов Ш., Рахмонов Ш.Ш., Каримов Х. Анализ тенденции внедрения системы менеджмента качества в условиях инноваций и диверсификации производства.....	157
Рахмонов Ш., Рахмонов Ш.Ш., Каримов Х. Организационно-методические аспекты и проблемы разработки интегрированных систем менеджмента.....	159
Турдиев М., Даминова Д. Енгил саноат маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда халқаро стандартлар асосида сифат менежменти ва маркетинг тизимини жорий этиш самарадорлиги.....	161
Турдиев М., Рахмонов Ш. Особенности и специфики внедрения интегрированных систем менеджмента.....	162
Болтаев Н., Ҳалимов О., Жуманова У. Агросаноат фирмаларида бошқарув тизими самардорлиги ва уни ривожлантириш йўллари.....	164
Бахриддинов А., Н.Болтаев, Жуманова У. Аграр соҳада кооперцияни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар ва уларни республикада жорий этиш имкониятлари.....	166
Бахриддинов А. Тутзорлар барпо қилиш ва улардан фойдаланиш самардорлигини ошириш йўллари.....	169
Акрамов У., Каримов Т. Чигит ҳамда тола сифатига сақлаш усулини таъсири	172
6-шўба. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ, ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
Абдуллаев А.Н., ХалмурадовТ.Н, Холиков А. Машина деталлари фанидан амалий машғулотларни ташкил этишда муаммоли таълим технологиясини қўллаш.....	176
Абдуллаев А.Н., Холиков А. Материаллар қаршилигидан текис кўндаланг кесимларнинг геометрик тавсифномалари бўйича масалар ечиш.....	180
Абдуллаев А.Н., Матмуродов Ф.М. Конструирование и особенности самонастраивающегося гидравлического демпфера.....	182
Алаев А.А., Ашуров Н.А. Республикамиз шароитида концентраторли қуёш батареяларининг самарадорлигини ошириш.....	184
Аширбеков И.А., Абдурахмонов С.А. Юпқа қоригма қатламини шакиллантириш куракчасининг конструктив ва энергетик параметрларини асослаш.....	187
Аширбеков И.А., Джиянов М.Р. Сўриш қурилмасининг бош пояга нисбатан ўрнатиш баландлигини аниқлашга оид тадқиқот натижалари.....	189
Байзаков Т.М., Рўзиев А.З., Абдунабиев Д.И. Гидропоникали иссиқхонада ултрабинафша нурлардан самарали фойдаланиш масалалари.....	191
Бердышев А.С., Юсупов Р.Р., Машарипов Х.Б., Муртазов Ш.И. Проектирование схемы электроснабжения автономного устройства обеззараживания воды.....	193
Астонакулов К.Д., Боротов А.Н. Чорва моллари боқининг бугунги ҳолати ва улар учун кўк пояли озукаларни майдалаш қурилмасини ишлаб чиқиш.....	194
Вахидов А.Х., Саломов М.Н., Авлиякулов Р., Пардаев А.Н. Қишлоқ хўжалиги мойли экин маҳсулотларини қайта ишлаш ва мой олиш жараёнини жадаллаштириш усуллариининг таҳлили.....	196
Вахидов А.Х., Ибрагимов М., Абдунабиев Д.И. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида электр моторларнинг химоя тизимини такомиллаштириш.....	199
Вахобов А., Ғуломов А. Дон экиш сеялкалари конструкциясини такомиллаштириш	201